

ҲАЗРАТ НАВОЙИНИНГ МОЛИЯВИЙ ЎГИТЛАРИДАН ОЗИҚЛАНИБ... – 2

Т.С.МАЛИКОВ

*ТМИ "Молия" илмий мактаби раҳбари,
иқтисод фанлари доктори, профессор*

(ёки нега А.Навоий хазинасида бирор йили ҳам закот тўлашга вожиб бўладиган даражада олтин йиғилмаган?)

...Академик А.Аъзам маълумотларига кўра¹ буюк аждодларимиздан бири бўлган Хондамир ўзининг "Макоримул-ахлоқ" рисола-сида қўйидагиларни ёзган экан: "... ул ҳазратнинг хазинасида бирор йили ҳам закот тўлашга вожиб бўладиган даражадаги олтин йиғилмас эди. Чунки мулозимлари қўлига (Навоийнинг ҳисобхонасига) келиб тушган ҳар қандай даромад тез орада турли табақа ва гуруҳ вакиллари бўлган кишиларга инъом сифатида сарфланарди ёки масканлар қуриш ишига хайрия қилинар эди"².

Бу қаторларда акс этган сўзларнинг маъносини чақиш ва унинг замирида нима ётганлигини англамоқчи бўлсак, шубҳасиз, бир неча саволлар кетма-кетлигини ўз олдимизга кўндаланг қилиб қўймоғимиз ва илмий мушоҳада юритиш йўли билан уларнинг ҳаққоний ва асосли жавобига эга бўлмоғимиз лозим. Зеро, юқоридаги иқтибос асосида қуйилган саволлар ва топилган жавоблар, фикримизча, Ўзбекистон заминида замонавий муносабатларни такомиллаштиришда ва олдимизда турган молиявий муаммоларни ўзбекона

ҳал қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Мана ўша мантиқий саволларнинг айримлари:

а) "...ул ҳазратнинг хазинасида бирор йили ҳам закот тўлашга вожиб бўладиган даражадаги олтин йиғилмас"лигининг сабаби нимада?;

б) нега "...мулозимлари қўлига (Навоийнинг ҳисобхонасига) келиб тушган ҳар қандай даромад тез орада турли табақа ва гуруҳ вакиллари бўлган кишиларга инъом сифатида сарфланарди ёки масканлар қуриш ишига хайрия қилинар эди"?

в) замонавий молиявий муносабатларни такомиллаштиришда Буюк аждодимиз ҳазрат Навоий томонидан бу тартибда қилинган ишнинг нима дахли бор?;

г) уни асос қилиб олиб у ёки бу тарздаги долзарб замонавий молиявий муаммоларни ҳал этиш мумкинми?

д)...

Энди ана шу саволларнинг ҳаққоний жавобларини топишга ҳаракат қилайлик. Ҳақиқатдан ҳам, нега "...ул ҳазратнинг хазинасида бирор йили ҳам закот тўлашга вожиб бўладиган даражадаги олтин йиғилма"ган? Ахир Навоий бобомизнинг ўз ҳаётлари давомида "ғазал мулкининг султони"

¹ Абдулла Аъзам. Аброрлар хайрати (фалсафий эссе) // "Жаҳон адабиёти", адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал. 2021 йил июн сони, 3-38 бетлар.

² Ўша жойда, 27-бет.

бўлишлари билан бир пайтда Хуросондек бутун мамлакат Бош вазири ёки вилоят (Астробод) ҳокими бўлганликлари, ҳатто махсус китобларни ўқимаганларга ҳам, сиртдан юзаки қараганда ҳам маълумку! Мамлакат Бош вазири ёки вилоят ҳокимининг оладиган даромади эса бошқаларникидан (баъзи ҳолларда, жуда кўпчилик-никидан) кўпроқ бўлиши ҳам ҳеч кимга сир эмас ва бу, маълум маънода, табиий ҳам ҳисобланади. Шундай бўлишига қарамасдан, юқорида қайд этилганидек, "...ул ҳазратнинг хазинасида бирор йили ҳам закот тўлашга вожиб бўладиган даражадаги олтин йиғилма"ганлигига ажабланмасликнинг асло иложи йўқ.

Шундай бўлишига қарамасдан бу ҳолатни ҳозирги пайтда биз, аввало, "Буюк бобомизнинг солиқ тўлашга арзигулик даражада даромадлари бўлмаган!" тарзида талқин қилишимиз ва, шак-шубҳасиз, қабул қилмоғимиз лозим. Нега? Бу парадокс эмасми? Бошқаларга нисбатан юқорида даромадга эга бўлган мамлакат Бош вазири ёки вилоят ҳокими қандай қилиб, қонунни ёки амалдаги тартиб-қоида ва интизомни бузмаган ҳолда, солиқ тўламасликнинг иложини қилган бўлиши мумкин? Бунинг асосий сабаби нимада?...

Бизнингча, бунинг асосий сабаби сифатида Навоий ҳазрат-ларининг закотга нисбатан (ҳозирги замонавий тилда бунинг солиққа нисбатан деб ўқинг. Бу ва кейинги ўринлардаги қавс ичидаги таъкидлар – бизники) бўлган муносабатини кўрсатиш мумкин. Аввало, Буюк бобомиз "закот (солиқ) тўлашга вожиб бўладиган даража"ни билганлар. Бунинг биз замонавий тилда "солиққа тортилмайдиган минимум"дан огоҳ бўлганлар, деб ўқишимиз керак.

Шунингдек, ҳозирги пайтда замонавий молиявий муносабатларни такомиллаштириш ёки худди шундай молиявий муаммоларни ҳал этишда "закот (солиқ) тўлашга вожиб бўладиган даража", яъни "солиққа тортилмайдиган минимум" масала-сига қандай эътибор қаратилмоқда?

Ҳозирги амалиётимиздан маълумки, масаланинг бу жиҳати эътибордан тушиб қолган. Бошқача сўзлар билан ифодаланганда, мамлакатимизда шу кеча-ю-кундузда амал қилиб келаётган солиққа тортиш тизимида Навоий ҳазратлари замонасида амал қилган "закот (солиқ) тўлашга вожиб бўладиган даража"га ўрин йўқ. Ҳозирги пайтда шунга айнан монанд бўлган "солиққа тортилмайдиган минимум" эса амал қилмаяпти. Бу, айниқса, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш механизмида яққол сезилмоқда. Унинг бекор қилинишига асос сифатида камдан-кам ҳоллардагина кўрсатилган "солиққа тортиш тизимини соддалаштириш" ёки "солиқларни ҳисоб-китоб қилишни енгиллаштириш", "солиқ тизимини мураккабликлардан холи қилиш" каби "омил"лар – унинг "тақдир"ини бу тарзда ҳал қилинишига, бизнингча, жуда камлик қилади.

Бунинг устига, ҳозирги пайтда замонавий молиявий муносабат-ларни такомиллаштириш ёки худди шундай молиявий муаммоларни ҳал этишда буюк бобомиз замонасида кенг қўлланилган "закот (солиқ) тўлашга вожиб бўладиган даража", яъни "солиққа тортилмайдиган минимум" масаласидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик хусусида қарор қабул қилинаётган вақтда Ўзбекистоннинг қандай бозор иқтисодини

шакллантираётганлиги ҳам эсдан чикмаслиги керак. Ахир биз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини шакллантираётганлигимизни олдиндан эълон қилмаганмизми?! Унинг энг асосий белгилардан бири кучли ижтимоий ҳимоя бўлиб, унинг аҳоли барча қатламларига қаратилганлиги эмасми? Бунга қандай қилиб эришиш мумкин? Ҳар қалай, 1,5-2,0 млн. сўмлик ойлик даромадга эга бўлгандан ҳам ёки 10,0-15,0 млн. сўмлик худди шундай даромадга эга бўлгандан ҳам бир хил ставкада даромад солиғининг ундирилиши, бу ўринда, бизни кўзлаган мақсадимиз сари етакламаслиги, фикримизча, мутлақо аниқ. Шундай экан, наҳотки, “солиққа тортиш тизимини соддалаш-тириш” ёки “солиқларни ҳисоб-китоб қилишни енгиллаштириш”, “солиқ тизимини мураккабликлардан холи қилиш” каби “омил”лар “таъсир”ида шундай “қурбонлик”ка бориш ўзининг маъносига эга бўлса?!...

Худди шунингдек, бу ерда “солиққа тортиш тизимини соддалаш-тириш” ёки “солиқларни ҳисоб-китоб қилишни енгиллаштириш”, “солиқ тизимини мураккабликлардан холи қилиш” ва шу каби бошқа “омил”ларнинг “баҳо”си билан “кучли ижтимоий ҳимоя ва унинг аҳоли барча қатламларига мўлжалланганлиги”нинг “баҳо”си билан ҳам таққосламоқ лозим. Шундай қиёсланганда қайси йўлдан боришнинг мақсадга мувофиқлиги яққол кўринади-колади...

Фикримизча, “...ул ҳазратнинг хазинасида бирор йили ҳам закот тўлашга вожиб бўладиган даражадаги олтин йиғилмас”лигининг бошқа сабаби ҳам бор. Маълумки, ҳазрат Навоий даврида ҳам закот, аслида ва табиатан,

ижтимоий эҳтиёжларни кондирингга мўлжалланган. Шундай бўлишига қарамасдан, Буюк бобомиз ижтимоий эҳтиёжларни закот орқали ва давлатнинг иштироки билан кондирингга мақсадга мувофиқ ҳисобламаган. Аксинча, бу муаммони ҳал этишни ул зот ҳар бир даромадли шахснинг бевосита вазифаси (бурчи) деб эътироф этган ва унинг ўзи бутун ҳаёти давомида ана шунга қатъий риоя қилган. Бунинг яққол исботи сифатида Буюк бобомизга тегишли бўлган олтин (даромад) катта қисмининг ўша заҳотиёқ, ҳар доим инъом ва хайрия мақсадларига сарфлаб юборилганлигини кўрсатишимиз мумкин.

Шу ўринда яна бир савол туғилади. Гап шундаки, мамлакат миқёсида ижтимоий эҳтиёжларни ёки ижтимоий ҳимояни олдин закот (солиқ)ни тўлаб, сўнг уни давлат орқали кондирган маъқулми ёки бу муаммоларни ҳал этишнинг энг оқилона, энг самарали ва энг тўғри йўли Буюк бобомиз тарзида иш тутишми? Бу саволнинг тўғри жавобини топиш учун, бизнингча, ҳеч бўлмаганда оддийгина мантиқий мушоҳада юритишнинг ўзи – тўлиқ етарли. Таъкидланган муаммоларни ҳал этишда “закот (солиқ)ни тўлаш варианты”дан фойдаланилганда энг умумий кўринишда бу жараёнда, энг камида, қуйидаги уч субъектнинг иштирок этиши, табиий:

- а) закот (солиқ)ни тўловчи;
- б) давлат;
- в) ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаро.

Ўша муаммоларни ҳал этишда “навоийча ёндашув”дан фойдаланилганда эса, бу жараёнда уч эмас, балки шартли икки субъект иштирок этади ва уларни қуйидагича ифодалашимиз мумкин:

а) "...хазинасида бирор йили ҳам закот тўлашга вожиб бўладиган даражадаги олтин (даромад) йиғ"масдан унинг шунга мос қисмини, жумладан, ижтимоий ҳимоя қилиниши керак бўлганлар ихтиёрига бевосита (тўғридан-тўғри) йўналтирувчи субъект (юридик ёки жисмоний шахс);

б) ижтимоий ҳимояга муҳтожлар.

Демак, бу мулоҳазаларимиздан кўриниб турибдики, биринчи "вариант"да муаммони ҳал этишда учта, иккинчи "вариант"да эса иккита субъект иштирок этмоқда. Бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, муаммони ҳал этишда қайси вариант қўлланилишининг афзаллигини ҳаётнинг ўзи аллақачон узил-кесил тасдиқлаган – "Қўйчивон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлади". Гап бу ўринда даромад (пул)нинг бир томондан иккинчи томон ҳаракатланиши тўғрисида кетаётганлиги эътиборга олинадиган бўлса, "ҳазрат Навоий варианти"нинг нақадар тўғри ва афзал эканлиги яққол намоён бўлади-қолади. Шундай бўлишига қарамасдан, хусусан, эҳтиёжмандларнинг муаммоларини ҳал этишда "бобомиз тутган йўл"нинг бошқаларига нисбатан бир неча афзалликларга эга эканлигини бу ўринда қайд этиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Тушунарли бўлиши учун, содда қилиб қилиб айтадиган бўлсак, молиявий нуқтаи-назардан уларнинг айримлари қуйидагилардан иборат:

а) даромад (пул, маблағ)нинг айланиши тезлашади, унинг хара-

катланиш даври (доираси) эса анча қисқаради;

б) даромад (пул, маблағ)нинг эгаси унинг нима (аниқ қандай мақсадлар)га йўналтирилганлигидан бевосита огоҳ бўлади;

в) бунинг натижасида қандай натижа ва самарага эришилган-лигининг тўғридан-тўғри гувоҳи бўлиш мумкин;

г) ижобий натижа ва юқори самарага эришилганда бу йўл яна шундай иш тутишни стимуллаштиради ва б.

Шу муносабат билан яна бир савол пайдо бўлади: Навоий ҳазратлари томонидан бутун умрлари давомида бундай ажиб қаромат ва саховат кўрсатилганлигининг (булар тўғрисида навбатдаги мақолаларимизда батафсил тўхталамиз) ҳозирги кунда аҳамияти борми? Ёки у фақат ўз даври, ўша давр учун тўғри бўлиб, фақат бундан 5-6 аср бурун долзарблик касб этган, холосми? Бу саволларнинг тўғри жавобини топиш учун, назаримизда, энг аввало, муаммонинг қуйидаги жиҳатига эътибор бериб, сўнг "старт"ни шу ердан олмоқ лозим. Навоий бобомиз даврида ҳам аҳоли катта қисми, баъзи бир объектив ва субъектив сабабларга кўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганлиги аниқ. Ҳозирги бизнинг замонамизда ҳам – деярли худди шундай. Шундай экан, балки бу ўткир муаммони ҳал этишда бугунги кунда ҳам "ҳазрат Навоий методи"дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир?!...

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маликов Т.С. Молиявий муаммоларни ҳал этиш: ҳазрат Навоий талқини – 1 // “Молия”, 2022 йил 1-сон. Б. 24-27. – 4,0 б.
2. Маликов Т.С. Тарихчилар, темуршунослар нега жим? // “Адолат”. Ижтимоий-сиёсий газета. 9 апрель 2021 йил. 15 (1332)-сон. 2,0 б.
3. Маликов Т.С. Молия: назарий асослар. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2021. – 428 б. 25,9 б.т.х.
4. Маликов Т.С. Молиявий саводхонлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2021. – 404 б. 24,0 б.т.х.
5. Маликов Т.С. Илмга эътиқод ва садоқат. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2020. – 360 б. 22,5 б.т.х.
6. Маликов Т.С. Молиявий саводхонликни оширишга “яшил чироқ” – давр талаби // “Молия”, 2020 йил 3-сон. Б. 17-24 б. (хаммуаллифликда). - 8,0 б.
7. Маликов Т.С. Иқтисод (молия) илмида таржима аҳволини кескин яхшилаш – таълим сифатини оширишнинг муҳим омили // “Молия”, 2020 йил 2-сон. Б. 5-9. – 5,0 б.
8. Маликов Т. Инновацион иқтисодиёт шароитида молия тизимини ривожлантириш: унда аждодларимиз хизматларидан фойдаланиш мумкинми? (ёки А.Навоий молиявий карашларига бир назар) // “Инновацион иқтисодиёт шароитида молия тизимини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва истиқболлари” мавзуси Республика миқёсидаги онлайн илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2020 йил 18 апрель. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2020. - Б.24-26.
9. Маликов Т.С. Бюджет-солиқ сиёсати. Дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2019. – 404 б. 24,3 б.т.х.
10. Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2019. – 804 б., 47,2 б.т.(хаммуаллифликда)
11. Маликов Т.С. Таржима – аслиятни сақлаш демакдир... // Молиячи. – 2019 йил октябрь сони. – 6,0 б.
12. Маликов Т.С. Соҳибқирон бобомизнинг молия илмидаги хизмат-ларига бир назар. // Молиячи. – 2019 йил 4-сон. 5-10-бетлар (хаммуаллифликда).
13. Маликов Т.С. Ўзбекистон молия тизимини ислоҳ қилишда аждод-ларимиз меросидан фойдаланишнинг айрим масалалари // Иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида мамлакат молия тизимини ислоҳ этишнинг асосий йўналишлари. Олий ўқув юртлариаро илмий-амалий конференция материаллари. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент, 2019 йил 4 июнь. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2019. – 556 б. Б. 3-9. (хаммуаллифликда).
14. Маликов Т.С. Устозларни ёд этиб ва эъзозлаб. – Т.: Iqtisod-moliya, 2019. – 204 б. 12,4 б.т.х.
15. Маликов Т.С. Буюк Темур бобомизнинг молия илмидаги хизмат-ларини эътироф этиб... // Молиячи. – 2019 йил апрель сони. – 7,0 б.
16. Маликов Т.С. Молия фани ривож: унда аждодларимиз ҳиссаси қандай бўлган? // Молиячи. – 2018 йил февраль сони. – 6,0 б. (О.О.Олимжонов билан хаммуаллифликда).



17. Маликов Т.С. Академик сабоқлари. // Молиячи. – 2018 йил май сони. – 6,0 б.
18. Маликов Т.С. Молия фани шаклланиши ва ривожланишида аجدодларимиз хизмати хусусида баъзи мулоҳазалар. // “Молия”, 2018 йил 4-сон. Б. 5-15. – 11,0 б.